

Аборт гуноҳ бўлмайдами?

15:35 / 24.04.2016 6592

Мен яхши ниятлар билан хусусий туғруқхона очган эдим. Лекин баъзида ўзимиз истамаган ҳолда ҳали дунёга келмаган болаларни оналаридан жудо (яъни аборт) қилишимизга тўғри келади. Айтинг-чи, тиббиётдаги бу вазифани бажариш мени гуноҳкор қилиб қўймайдими?

ЖАВОБ: Ҳозир қонунан ҳам, шариатда ҳам ҳомилани олишга рухсат йўқ. Хусусан, турмушга чиқмаган қизлар бўлса, зино қилиб, гуноҳкорга ботган бўлса, улар айбини беркитиш маъносида қилинадиган ҳомилани олиш каби ҳолатлар тўғри иш эмас. Шунинг учун шариат кўрсатмаларини ҳам, жорий этилган қонунларни ҳам бузмаслик керак бўлади. Агар туғруқхона инсонларга яхшилик қилиш ниятида очилган бўлса, туғишига ёрдам берсинлар – ана шу яхшилик. Боласини тушиб кетишидан сақлаб қолиш амалиётлари бор, муолажалар, даволашлар бор, уларни қилинглари, улар савоб ва бошқа яхши томонлари кўп. Туғруқхоналарда савоб учун ҳаракат қилиш керак. Албатта зинодан бола орттирганларнинг ҳомиласини яширинча, шариат ва қонунга хилоф равишда олиб ташлашда қилинаётган ишлар албатта гуноҳ бўлади (Аллоҳ билувчидир).